



Gazeta 1995-yil,
10-iyundan chiqq
boshlagan

Har oyda ikki
marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil,
22 iyul,
Juma

14
(320)
son

«ПАРТИЯ ИШИГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ»

деган ўй—фикр билан яшасаккина партиядо ислохлар изчиллиги таъминланади, деган хулосага келинди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Хоразм вилоят Кенгаши пленумида

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар натижалари, вилоят партия ташкилотининг ўтган йилги фаолияти яқунлари, партияларнинг давлат томонидан молиялаштирилишининг моҳияти, бошланғич ташкилотлар ишини фаоллаштириш каби масалалар муҳокама этилди.

Пленум ишида ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмитаси раиси Хуршид Дўстмухамедов қатнашиб, келажакда партия ташкилоти олдига турган муҳим вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Хуршид Дўстмухамедов ўз сўзида партия ташкилотлари фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжудлигини айтди. Хусусан, бошланғич ташкилотларга эътибор сублингини алоҳида тилга олди. Шу тўғрисида тўғридан-тўғри бошланғич партия ташкилотларида аҳоли ўртасида партиянинг мақсад ва мудоасини тарғиб қилиш, фуқароларнинг сиёсий ва меҳнат фаолигини оширишга қаратилган ишлар даражаси пастлиги қўйиб қўйилгани таъкидлаб ўтди. «Хоразм вилоят маҳаллий кенгашиларига айтиши керакки, партиянинг мақсади ва мудоасини тарғиб қилиш, фуқароларнинг сиёсий ва меҳнат фаолигини оширишга қаратилган ишлар даражаси пастлиги қўйиб қўйилгани таъкидлаб ўтди. «Хоразм вилоят маҳаллий кенгашиларига айтиши керакки, партиянинг мақсади ва мудоасини тарғиб қилиш, фуқароларнинг сиёсий ва меҳнат фаолигини оширишга қаратилган ишлар даражаси пастлиги қўйиб қўйилгани таъкидлаб ўтди.»

Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзМТДП Марказий Кенгаши котиби Раъножон Зарипова партиянинг давлат томонидан молиялаштирилишининг моҳияти сиёсий кучларнинг фаолиятини янада кучайтириш йў-

лидаги ҳукумат раҳбарлиги эканлигини таъкидлади. Эндиликда бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини фаоллаштириш учун кенг имкониятлар очилганлиги тўғрисида гапирди. Партияда ислохлар изчиллигини таъминлаш учун биринчи навбатда ҳар бир партия аъзосининг аҳоли

Партиялар аҳоли ўртасида обрў—эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак.

Ислом КАРИМОВ

ўртасидаги оммавий—сиёсий ишлардаги иштирокини кенгайтириш орқали куйи ташкилотлар ишини жонлаштиришга, камчиликларни бартараф этишга муносиб улуш қўйиш мумкинлигини таъкидлади.

Вилоят Кенгаши раиси Зарифбой Дўсимов ўз сўзида қанча партия аъзоси ҳисобда туриши, аъзолик бадалларини тўлаш масалаларига ҳам бир қадар ойдинлик киритди. Бу каби амалий ишлар охири—оқибати партиянинг одамлар орасида, сайловчилар ўртасидаги мавқени барқарорлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Хайрихоҳлар қаноти

Пленум ишини кузатиб, партияга аъзо бўлиш истagini билдираётганлар сонини кўриб қўйишнинг ҳис этдик. Зеро, анжуманда партияга аъзо бўлмаган кўп-лаб хайрихоҳлар қатнашди.

лар. Бу мисоллар партия ташкилотига ишончининг ортаётгани, унинг одамлар орасидаги мавқени, эътибори, барқарорлашганлигининг белгиси эди.

Пленумда вилоят кутубхонаси директори Гулистон Қалаандарова сўз олиб, бундан ўн йил олдин вилоят кутубхонаси замида партиянинг

шаббос билан чиқди. Ўзи етакчилиги қилаётган аёллар марказида партиянинг бошланғич ташкилоти тузганлигини эълон қилди. Яқин келажакда уни энг кучли ва кўп сонли куйи ташкилотга айлантиришга ваъда берди.

У «Мансура» аёллар марказининг уч йиллиги муносабати билан ўтказилган тақдирот маросимини Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ўн йиллигига бағишлади.

«Кўп партиявийлик ҳам нодавлат ва нотижорат ташкилот ҳам истиклол меvasи, мамлакат мустақиллигининг ва миллий мафкурамининг шарофатидир. Яна бир асосий уйғунлашмиш мавжуд: партия ўзининг тарғибот ва ташвиқот ишларини оиладан бошлади, деб белгилаб қўйган.

Бизнинг аёллар марказимиз ҳам оилаларга хизмат қилади, аёллару ёшларга 8 та йўналиш бўйича таълим—тарбия беради. Тикунчилик, тўқувчилик, пазадачилик, оила ҳамшираси, компьютер ва тил бўйича ўқув курсларидаги машғулотларимизни миллий мафкурамиз билан уйғунлаштириб олиб борамиш»,—деди таъкидлади Дилбаржон Бекжонов.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси ва партиянинг Хоразм вилоят бўлимни ташкилот партия ветерани Зарифбой Дўсимовга тўн кийдириди. Баҳоёр Бобонов вилоят кенгаши раиси этиб сайланди. Вилоят кенгашининг янги раиси яқин келажакда амалга оширадиган иш режалари билан таъкидланди.

Пленум самимий ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Ойдин СЎДУЛЛАЕВА.

ЎЗБЕК ГАЗЛАМАЛАРИ — ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚАЁТИР



Суратда: корхона йиғирувчиси Ҳавонон Қодирова. Тохиржон Ҳамроқулов олган сурат.

Марғилон ҳақида ўйлаган заҳоти товусдек товала—надиган, камалак жибвала—рини ёдга солувчи атлас кўз ўнгимизга келаверади. Ҳа, атлас лобар қизларимизга, иболо ўзбек аёлларига биррам моски, сўз билан таърифлай омайсан киши. Лекин... мамлакатимизда яқин—яқингача атлас ишлаб чиқарувчи гигант корхоналар фаолият кўрсатгани—ю, уларда ўн минглаб одамлар ишлаганини фақат афсус билан эслаймиз холос. Ҳатто бундай корхоналарнинг номаври ҳам ўзгариб кетди. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган «Марғилон—Осиё—текс» оқиқ ақшадорлик жамиятининг номи илгари «Марғилон хон атласи» деб аталган. Бозор бозор экан, саноат усулида атлас ишлаб чиқариш ҳаражати яқка тартибда—хонаки усулдагидан 1,5—2 баравар қimmatта тушаётган бир ҳолатда ишлаб чиқаришга ўзгариш киритиш зарурати пайдо бўлди. Сифати ва ҳаридорлик маҳсулот ишлаб чиқариш, корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида корхонада пахта ипи ва пахта ишдан газла—малар тайёрлаш учун ақшадорлик жамияти негизда ўтган йили мустақиллик байрами арафасида янги цех ишга туширилди.

Ип йиғирув технологиялари келтирилиб, ўрнатилди. Дастлабки бир ойнинг ўзида 22 тонна тола қайта ишланади, 25 минг погон метр 42 миллион 872 минг сўмлик газлама тайёрланади. 2004 йилнинг сўнги тўрт ойининг ўзида 427 миллион сўмлик ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиди. Ўзингизга маълум, ўтган йиллари корхона банкротлик ёқасига келиб қолган. Бир томонда техник воситалар ҳам беқор эди, бир томонда юзлаб ишчилар ўз ҳисобидан таътилга чиқариб юборилган кезларни эсласак, юрак эзиларди,—дейди корхона ишчиларидан бири.—Раҳбарга кўп нарсаси боради экан. Баҳром Мирзаев ёш мутахассис бўлса ҳам жуда ташкилотчи ва тадбирли экан. Ишларни жонлаштириб, корхонани оёққа тургади. Ойлик маошларни вақтида олаётимиз.

Ҳа, ишчининг эътирофи муқофотдай гап. Тадбиркор раҳбар ҳам, чўкаётган кема кўтқариб қолган капитан мисоли. 2003 йили корхонада бор йўли 107 нафар ишчи—хизматчи қолган бўлса, 2004 йилнинг охирига келиб қўшимча ярим мингта ишчи ўрни ташкил этилди, жамми ишловчилар сони 600 нафарга етди. Беш юз нафар ёшларнинг иш билан таъминланганини бир кўз ўнгингиздан ўтказинг—ал Бу ҳақида иш эмас.

Ўртача ойлик маошлар миқдори ҳам кескин ошди. Бундан кўриниб турибдики, ақшадорлик жамиятида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳамми ортиб, меҳнат унумадорлиги яхшиланди, ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги кўтарилди. Бунинг натижасида соф фойда олина бошланди. Пахта ипли газламалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва хом ашё базисини мустақамлаш учун имкониятлар кидирилаётди. «Кува

тўқимачилик» оқиқ ақшадорлик жамияти билан шартнома тузилиб, 150 тонна пахта толаси олинди. Жамиятда тайёр ипаки газла—малар ишлаб чиқариш су—ратлари ҳам ортиб бораётди. Бир ойда 300 минг погон метр ипли газламалар, 8 минг погон метр тайёр ипаки газламалар ишлаб чиқарилаётди. Жорий йилнинг биринчи чорағида 807 минг погон метр пахта ипли газламалар, 18 минг погон метр тайёр ипаки газла—лар, жамми 315 миллион сўмлик ҳалқ истеъмоли моллари тайёрланди. Бугунга келиб жамият мутахассислари томонидан ички ва ташқи бозор талаблари ўрганилиб, янги нусха ва турдаги ишлаб чиқаришга газла—малар ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилмоқда.

—Замонавий дастгоҳлар сотиб олиш, технологияни такомиллаштириш учун экспортга маҳсулот чиқариш лозим,— дейди жамият раиси Баҳромжон Мирзаев.—Ипли газламаларни Қозғистон ҳамда Россия давлатларига экспорт қилиш кўзда тутилаётди. Россияга 127 минг АҚШ доллари миқдоринда маҳсулот экспорт қилинди. Россиянинг пойтахти Москва шаҳрида жамиятнинг «Марғилон текстиль» номидagi савдо уйи очилди. Бу катта истиқболлар эътиборини очди, деб умид қиламиз.

Жамият раиси билан корхона келажак ва ишларининг янада ривож топиб кетишида тўғаноқ бўлаётган муаммолар хусусида суҳбатлашдик. Унинг таъкидлашича, жамият республика товар хом ашё биржасининг оқиқ савдоларида қатнашиб, пахта сотиб олиш ҳуқуқини ололса, нур устига аҳоли нур бўларди. Бу эса, корхонани мўтадил хом ашё билан таъминлаш имконини берарди. Шунингдек, лизинг асосида пахта толасини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот олиш нияти борлигини раҳбар алоҳида айтиб ўтди.

Ҳиссадорларнинг фаолиятини ва уларга ариятган ижтимоий шарт—шароитлар билан танишдик, Марғилон газламалари жаҳон бозорига чиқиб, шон—шухрат топишига ишонч ҳосил қилдик.

Диамурод ҚИРГИЗБОВ.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ ОЛИЙ САОДАТ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилоят Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш аввалида ташкилий масала кўрилди. Унга кўра партиянинг вилоят Кенгаши раислигига Андижон вилоят Ҳалқ таълими бошқармаси бошлиғи Диамуроджон Раҳматуллаев бир овоздан сайланди.

Йиғилишда жамиятнинг демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатнинг ислоҳ ва модернизация қилиш жараёнида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг, жумладан, вилоят Кенгашининг долзарб вазифалари ҳақида партия Марказий Кенгаши аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдурашид Тўхтабоев маъруза қилди. Маърузачи ўз сўзлари давомида Андижон воқеалари юзасидан ҳам ўз мулоҳазаларини билдириб, шундай деди:

—Андижондаги муҳим воқеалар бугун ҳалқимизни безовта қилди. Шурқурки, пайт пайлаб юрган ақшадорлар, экстремистик гуруҳлар ўзларининг узоқ вақтдан бери ниҳонда тайёрлаб келган қабих режаларини амалга ошира олмадилар. Президентимизнинг ўша тонгдаёқ Андижонга етиб келиб, ҳалқ билан бамааслахат иш юритганлиги, нафақат Андижон аҳолисининг, барча юртдошларимизнинг бирдамлиги туғайли бу хунук ҳодисаларга барҳам берилди. Бугунги кунда юртимизда барқарор ҳаёт кечмоқда, лекин бу билан хотиржамликка берилмаслик лозим. Шу мақсадда барча фидойи юртдошларимиз қатори миллий тикланишчилар ҳам бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар. «Миллий тикланиш» партиясининг Марказий Кенгаши аъзолари, вилоят ва туман

Кенгашлари фаоллари Андижон воқеалари юзасидан республикамизнинг турли жойларида, шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, юртдошларимиз билан учрашувлар ўтказиб келмоқдалар. Мен ҳам ўша учрашувларда қатнашган вақт сифатида шунинг тўлиқ ишонч билан айта оламани, ватандошларимиз бу воқеаларга ўз мулоҳазаларини билдираб эканлар, террорчиларга, тинч аҳоли бошига мусибатлар келтирган хунрезликларни уюштирганларга ўз нафратларини билдирдилар.

Шунингдек, таъкидлаб ўтмоқ керакки, айнан ўша кунларда дўст ким, душман кимлиги бошинта иш тушганда билинади, деган гап ўз исботини топди. Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг айрим журналистлари Андижон воқеаларини ноҳалис ёритганини душманликдан, гайририқдан ўзга нарсаси эмас. Лекин бизнинг ҳалқимизни адаб бўлмайдиган, Ўзбекининг юз берган

фожиалар сабабларини атрофдаги ўрганиш, мулоҳаза юритиш учун ақшадорки, укуви етади. Биз учрашувлар давомида шунга амин бўлдикки, ўзганини англаб етган миллатдошларимиз билан тинч ҳаётимизга раҳна солаётган кучларга бир ёқадан бош чиқариб қарши бўлмас, осийишталигимизни, бахтимизни қўлдан бермаймиз. «Миллий тикланиш» партиясининг, миллий тикланишчиларнинг мақсади—вазифалари ҳам юрт, ҳалқ бирлигини, Ўзбекистонда осийишталик, фаровон турмуш барқарорлигини сақлашга ҳисса қўйишдан иборат. Ҳалқ, юрт тинчлиги эса энг олий саодатдир.

Йиғилиш иштирокчилари ҳам маърузачининг сўзлари бўйича ўз фикр—мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Шунингдек, йиғилиш сўнгида шаҳар ва туман Кенгашларининг яқин келажакдаги ташкилий ва умумий вазифалари аниқ белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.

Яқин гап ҳам тез тарқалади. Бу йил Охунбобоев туманида ишлар шижоати баландлиги, ғалла етиштириш бўйича режалар ортиги билан бажарилгани, қишлоқ хўжалигини ислохотлар жадал тус олганини одамлар қайта—қайта гапирмоқда.

Туман ҳокими Номонжон ака Омонов хузуримизда Туман тақдирни таромила қишлоқ хўжалиғига боғлиқлиги боис суҳбатимиз ҳам шу тармоқ хусусида бошланди.

—Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиғида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, улбу соҳанинг таъинч устуни бўлиши фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаётгани, энг муҳими, деҳқонларнинг ерга, ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгариб, ўз меҳнатидан манфаатдорлиги ортиб бораётгани биз эришган ютуқларнинг асосий омил бўлмоқда,— дейди Номонжон ака.—Ҳа, барчамизни боқадиган бободехқоннинг ишлари бароридан келса—демак, эл—юрт бой, мамлакат обод бўлади.

Бу йил туман ғаллакорлари катта ютуқларни қўлга киритди. Омборлар ризқ—рузимиз—донга тўлиб—топти. Фермерлар ҳам режадан ортиқ етиштирган ғалласига эгалик қилдирилган бўлди. Жорий йил ҳосили учун ғаллакорлар 9040 гектар майдонда деҳқончилик қилишиб, давлатга 22 минг 535 тонна сифатли ғалла сотишди. Бу кўрсаткич умумий йилга нисбатан минг тонна кўп. Ҳар гектар майдондан қирқ центнердан ҳосил олинди. Туман шароитида бу

жуда қувончли кўрсаткич. Ўнлаб фермерлар 60—65 центнерлик натижага эришишди.

Яширидан на ҳожат: аввали йиллари қишлоқ хўжалиғида туман анча оқсаб қолди. Айниқса, пахта етиштириб, ундан юкори ҳосил олиш туман пахтакорлари учун армон. Асосий даромад пахтачиликдан келди—ку, режалар ўйда—жўлда қолди дегани, муам—молар кирдиби пайдо бўлди дегани. Албатта, ерларнинг

ОХУНБОБОЕВЛИКЛАР ШИЖОАТИ

унумдорлигини оширмай, мелиоратив ҳолатини яхшиламай пахтачиликда яқин натижага эришиб бўлмайди. Шу мақсадда туман ҳудудига 865 километр қоллектор тозаланиши зарур. Жорий йилда коллекторларнинг 270 километрини тозалаш режалаштирилган. Ҳукумат томонидан туманга жуда катта амалий ёрдам берилаётди. Давлат бюджетидан катта маблағ ажратилди. 21 та экскаватор берилди. Ҳозирги кунгача 200 километрга яқин коллектор тозаланди. Йиллар давомида қолиб кетаётган бу тадбир амалга оширилаётганидан, аввало, пахтакорларнинг, фермерларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Уларда умид уч—

Кундан—кунга қишлоқ инфратузилмаси ривожланиб бораётганидан қишлоқ мамнуи. Туманда 142 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Одамларнинг оғирини енги қилиш мақсадида олти километр узунликда ичимлик қувури тортилаётди. Шу йил охиригача чекка қишлоқларга табиий газ олиб бориш мақсадида 182 миллион сўм маблағ ажратилди. Маҳаллалардаги беш километр масофадаги йўллар кенгайтирилиб, асфальт ётқизилди.

шодиёналари арафасида маънавий хизмат коллежи қайта реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилди.

Охунбобоевлик пахтакорлар бу йил ўн бир минг гектар майдонга чигит екишган. Бир текис ривожланаётган ғўзалардаги кў—сақил сонини кўпайтиришга қўшма қўшма ҳисса қўйди. Туманда 826та фермер хўжалиғи фаолият кўрсатаётди. Ҳукумат қарори билан белгиланган режага асосан шу йил охиригача тумандаги қолган хўжаликлар ҳам тўлиқ фермер хўжалиқларига айлан—тирилди.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак деган ақшадор амал қилаётганлар асло кам бўлмади. Яқка—ёғизлар, ногиронлар, кам таъминланганларнинг ҳоли—дан хабар олишдан ҳам кўра ортиқ савоб йўқ. Туманда бу борада ҳам ибратли ишлар амалга оширилаётди. Содда қилиб айтганда: ҳалқ дуо—сини олиш бахт. Номонжон ака иш столи устида турган «Ҳалқ сўзи» газетасидаги муҳтарам президентимиз Ислом Каримовнинг Фарғона вилояти ғаллакорларига йўлаган табрик мактубидан қуйидаги жумаларни ўқиб берди: «Ишончим комилки, вилоят меҳнаткашлари бу йил қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юксак натижаларга эришиб мамлакатимиз равақли ва тараққиётга, дастурхона—нимиз тўқинлиги, ҳалқимиз фаровонлиғига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади».

Ўз мухбиримиз.

Ватанга меҳр-болаликда тугилади



рибаларини ўрганган. Эллик ёшга кириб, шу нарсага амин бўлдим, ҳеч қачон оҳ-воҳ қилмай, бу дунёнинг муаммосини инсоннинг ўзи давлоши керак экан. Сабаби, бу муаммоларни ўзимиз яратяптиз. Яна бир нарса, яхши яшаш учун яхши шароит бўлиши керак, деган ақида бор. Ривожланган мамлакатларда бир нарсага катта эътибор берилди. Энг муҳими, олимлар ҳам одамларнинг яшаш шароитларини яхшилашга хизмат қиладиган, инсоннинг меҳнатини энгиллаштирадиган ёки етарли даромад манбаи бўла оладиган янги йўللари, янги кашфиётларни топишга жуда қаттиқ интилашади. Миллий ислохотлар учун қайғуриб яшашни ҳам ўз

ийларини ҳам мароқ билан эслади. Бу олимпиадада бир гашидан унинг аввало оилада катта меҳр ва тарбия кўрганлиги ҳис қилдим. Унинг ҳаёт мактабида ҳам анчагина сабоқ олгани сўзларидан сезилиб турибди. — Етти ёшга тўлганимда Ташкентга кўчиб келадиган бўлдик, — дейди Гулчехра опа узоқ хаёлга чўмиб. — Бу гапни эшитиб, уйимизнинг ертўласига яширилиб олганман, барибир Ташкентга кўчиб кетадиган бўлдик. Болалигим Ташкент вилояти Чиноз туманида ўтган. Тавтилларадам Чинозга кетиб қолаверардим. Кенгликлар, очиб, тоза ҳаво, ўша жойларнинг ўзидек феъли кенг, оққўнғил одамлари мени сеҳрлаб қўйганди.

Бободехқон хузурида



Хўжаликда галла тўққиз иш кундаёқ йиғиб олинди. Галла дунё — йиғими мавсумида иштирок этганларга уч маҳал иссиқ овқат берилди. Масалан, бош пудратчи Шокир Отабоев ҳар гектардан 96 центнердан, Аваз Абдураҳимов 82 центнердан галла олишга эришишди. Давлатга 1365 тонна сифатли дон топширилди. Энг қувончлиси, 310 тонна галла уруғлик сифатида сотилди. Утган йили галлачиликдан 67 миллион, пахтачиликдан 27 миллион сўм соф фойда олинган. Бу эса хўжалик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш омили бўлди. Бу йил галладан олинган кунгилан соф фойда миқдори яна ҳам ортди бўлди. Хўжалик раҳбари Азим-хўжа ака Кўлаев билан пахта экилган майдонларда бўлди. Бу йил «Сурхон-9» ингичка толали навадан 250 гектар майдонга пахтача олиштирилган. 190 гектарга эса С 6524 навали чиғит қадаганди. Кўнгли тўққизинчи яшира олмади. — Ҳўжа ривожли ўтган йилга нисбатан йиғирма кун олдинда, — дейди у хуш кайфият билан. — Насиб этса, ҳар гектар майдондан

режадаги 36 центнер ўрнига 42 центнердан ҳосил кўтарилади. Ингичка толали навалардан эса, асосан уруғлик тайёрланади. Албатта, бу ҳам хўжалик иқтисодиёти мўътадил ривожланиб бориши учун муҳим. Далада биологатория мудири Нейматжон Обидиновни учратдик. — Ҳашаротларга қарши биологик курашга хўжаликда жуда муҳим аҳамият бериб борилади, — дейди у. — Ҳозирда трихотарма, олтинкуз, бешиктелатар, габробракн каби биомаҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилди. Лабораторияда беш киши фаолият кўрсатади. Биологик усулда ҳашаротларга қарши курашишнинг афзаллигини тажрибанинг ўзи кўрсатиб турибди. Хўжалик хуудани оқобонлаштириш, ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилади.

Узбеклар азал-азалдан фарзандлар келажакни умрининг мазмуни деб билади. Уларнинг қамоли, бахту санолатини кўрсам, деб эзгу ниёт қиладди. Халқимизнинг ана шундай эзгу интилиши бутун мамлакатда болалар ва ёшлар истиқболини ўйлаб қилинаётган ишларда ўз аксини топаётди. Хўжалик раҳбарининг ташаббуси билан болалар учун спорт мажмуаси барпо этилаётгани ҳам фикримизнинг далилидир. Шу кунгача бу қуришиш учун 100 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Ҳа, бизнинг болаларимиз ҳеч қандам кам эмас ва ҳеч қандам кам бўлмади. Хўжалик аҳли муқтадирлигининг 14 йиллик тўйини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш ниётида меҳнат қилишаётди.

Уринбой КЕНЖАЕВ

ФИДОЙИЛАР-МИЛЛАТ БАХТИ

сўз билан айтганда, тупроқдан оёғи узилмаслиги керак одамнинг. Суҳбатдошим бир оз ўйлаб қолди. Фурсатдан фойдаланиб, дунё мамлакатларидаги ўзинга хосликлар ҳақида сўрадим. — Масалан, Англияда, кичкинагина ҳовлисида 20 хил даракт, яна бир неча хил гуллари ўстирадиган зиёли оилалари билан, — дейди Гулчехра Назарова. — Ўзбекистонда серқуёш, таёқ сўксангиз томир отадиган ерда яшаб, ҳаётдан нолганларни кўрсам, шулар эсимга тушиб кетади. Японларга кўпчилик ҳавас қиладди. Японияда техник тараққиёт қанчалик ривожланганини, барибир ерлик аҳоли табиийликка интилаверади. Яна бир мисол, Япониядаги ҳар бир шаҳарда инсон ресурслари харитаси бор экан. Улар тадқиқот тадқиқот учун эмас, амалиёт учун, дейишади ва бунга қатъий амал қилишади. Айниқса, бир сиқим тупроқнинг қадрини билишлари мени ўйлантириб қўйди. Минамата шаҳрида ишлаб чиқариш кўпайиб, сувнинг симоб билан заҳарланишига сабаб бўлган. На тижжада 2000дан зиёд аҳоли вафот этган, балиқлар ўлган. Японлар бу йўқотишдан эсанкираб қолмай, шу ерлик одамларни иш билан таъминлаб турган компанияни ҳам ёпмай, муаммодан қутулишини бошқа чорани излашган. Биз ҳавониям давлолаб берамиз, деб вақда беришган ва бунга ундашган. Уларда ер жуда қиммат туради, аҳоли сони кўп. Балки, шунинг учун ҳам

бурчи деб биладиган ҳақиқий зиёли одамларни кўп кўрганман. Улар миллатни, жамиятни фаоллаштириш учун ҳар бир фуқарони фаоллаштириш кераклигини яхши билишади. Ҳар бир касб эгаси ҳам ўз соҳасини яхши билади ва сиқидилдан ишлайди. Мана, гап нимада, ривожланишларнинг илдири қаерда ётибди! Демак, иқтисодий бардамликка эришиш ўз-ўзидан бўлмас экан. Ҳадисларда айтилган: ку, икки дунё саодатини изласан, иям изла, деб. Ахир ҳаракатда баракат бўлади. АҚШда, Германияда, Италия, Шотландия ва яна бир қанча Европа мамлакатларида ҳам булар билан. Туркияда «Бел-кент» университетини дарс бердим. Улар мени иқтисодчи сифатида тан олишади. Тажриба алмашишларнинг ҳаммаси грант асосида бўлди. Бир ойда 15 миң доллар сарфлаб, ўзбек иқтисодчинининг фикрларини эшитишга нимага интилашяпти улар? Бунинг битта сабаби бор, ўрганиш, тажриба алмашиш энг муҳими. Икки томонлама фойдали ишлар келажакда ўз мевасини беришига ишонаман. Хорижда ўрганишларини вилоятларимизда синодан ўтказиб кўридик. Бизга ёшларни иш билан таъминлайдиган корхоналарни биров қуриб берайди. Ўзимиз ҳаракат қилмас эканмиз, ривожланган давлатлар қаторига кирини ҳеч қачон осон бўлмайди. Ёшларга таълим беришда ҳам ана шу нарсага эътибор бераман. Суҳбатдошим беғубор болалиги, талабалик, ёшлик

АКАНГНИНГ ШАЪНИНИ УНУТМА, СИНГЛИМ!


Акаларнинг сингиллар олдидан бурчи, масъулияти ҳақида кўп гапираримиз. Биронимиз хушроқ бўлиб, биронимиз озорроқ ранжиб... Шу мавзуда бир қанча ривоятлар ҳам мавжуд. ...Эминлиги, бундай орааб ўтиш гуноҳ саналар экан, ҳатто онасини йўқлаб кетаётган онага ҳам... фақат, фақат бир киниги — сингилни йўқлаб кетаётган отага бу гуноҳ ёзилмас экан... Яна бир ривоятда айтилишича, қадимда қишлоқ кемага мийиб, олис сафарга йўл олишда йўл ярмига етганда бирдан тўфон кўтарилди, кема мана чайқалтири бошлади. Одамлар кўрқиб кетибдилар, тинмай Алоҳқа ёлвора бошладилар. Довул эса борган сари кучаяр, унга сари одамларнинг ҳам ваҳимаси ортар экан. Шунда кемадаги кўпни кўрган бир мўсафид одамларга қарата: «Биродарлар, ораларингда сингилсини йўқлаб кетаётганлар борми?» деб сўради. Оломон орасидан бир киши: «Мен, мен сингилни йўқлаб кетаётман!» деб жавоб берибди. Мўсафид бу гапни эшитиб: «Кўрқманлар, биродарлар,

бизни Алоҳ ўз паноҳида асрайди» деган экан. Болалигимни эслайман, мени биров ноҳақ ранжитиб қўйса ёки бир муаммога дуч келиб қолсам энг аввало ҳаёлимга шу фикр келарди: «камага айтаман». Ҳали-ҳали бу гапни эсламай, у фарзанднинг онаси бўлсам — да, ўз муаммоларининг, ташвишларининг акамларга илиниб тураман, «камага айтаман». Акаларим менинг ҳимоячиларим, суянган тоғларим, Алоҳ ота — онам ўрнига берган меҳрибонларим... Мен аёллар ёки қизлар ҳақида бирор нохушроқ гап эшитсам ёки бирор нохушроқ ҳолатнинг гувоҳи бўлиб қолсам, энг аввало ҳаёлимга «акаси бормикан агар акаси бўлса, дўстлари, биродарлари олдидан бошгинаси энгилб қолганлар» деган ўй келади, кўча — кўйда елкасини ялан-чўлаб ёки киндигини (минг бор узр) кўз — кўз қилиб юрган қизларни кўрсам ҳам ҳаёлимга шу фикр келади. Мен юқорида акаларнинг сингиллар олдидан бурчи, масъулияти ҳақида кўп гапираримиз айтиб ўтганим. Акалар биз — сингиллар олдидан

бурчи эканлар, биз сингилларми? Алоҳ бизга берган буюк неъматиниз — оғалариниз олдидан биз, сингилларнинг ҳам бурчимиз, масъулиятимиз борми? Албатта, бор! Биз доимо уларнинг оғулирини, шаънини ўйлаб иш қилишимиз керак, токи бизнинг ўйламай қилган ишларимиз, ўйламай босган қадамимиз туйғайи уларнинг азиз бошлари энгилиб, дўст — душманлари олдидан тиллари қисик бўлиб қолмасин. Алоҳ бизга ота — онамизни бир умр боғлаб бериб қўймас экан, улардан кейин бизни йўқловчиларимиз, ҳолимизни сўровчиларимиз — оғаларимиз бўлади. Ота — оналаримиз ҳам меҳрибон, ҳам кеңирувчи бўладилар. Бизнинг ҳар қандай айбимизни кечирингга тейиб турадилар. Акалар эса меҳрибон бўлишлари билан бирга озорроқ қаттиққўлликлар ҳам бор. Шунини эсда тутган ҳолда сингиллар оғалардан озорроқ ҳайқиб турсалар ҳам яхши — синг бўлармиди?.. Истагини, сингиллар акалари шаънини ҳеч қачон унутмасилар. Асолат АХМАДКУЛ ҚИЗИ


МАЛАКА ЮКСАК БЎЛГАНДА

«Кварц»нинг бир куни



унумли натижалари учун олтин медал билан тақдирланди. Дарҳақиқат, хом ашё сифатида шиша қунини Тожикистондан, сульфат натрийни Туркменистондан, кальций содасини Украинадан олаётган корхона ўз маҳсулотларини Россия, Қозғоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон сингари қатор мамлакатларга экспорт қиломқда.

Тайёр идишлар, турли рангларда жилдланаётган ойналарнинг асосий хари — дорлари эса республика — миздаги «Майона», «Маск», «Карвон», «Болгария — Шароб», «Фаровон», «Махмуд — Саид ФУД» сингари қатор акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналардир. «Кварц» ойналари замонавий иншоотлар кўрқига — кўрқ қўшмоқда. «Кварц»дан яна бир хушхабар.




харид қилишга мажбур бўларди. Бугун эса нарх — наво пасайди. Буюртмачилар рағ берилган ойнанинг метр квадратини 4 — 4,5 миң сўм атрофида харид қилишмоқда. «Кварц» жамоасининг хайри ишлари кўп. «Кварц» футбол жамоаси хузурида, «Олдузча» болалар боғчаси даврасида, соғломлаштириш марказида бўлсангиз жамоа аъзола —

«Кварц» акциядорлик жамияти Урта Осиё рес — публикаларида фаолият юритаётган консерва маҳсулотлари ҳамда турли ичимликлар ишлаб чиқарадиган заводларни шиша идишлар билан таъминлаш мақсадида 1975 йилда ташкил этилган эди. Корхона кейинги 15 йил ичида маҳсулотлари турини кескин кўпайтирди. Шиша идишлар билан бир қаторда тахталанган, силлиқ, 2



Корхона ойнасозлари автомашиналар учун ойна ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Техника ойналари шу пайтга қадар Хитой, Ҳиндистон, Туркменистон, Қирғизистон сингари мамлакатлардан олиб келинар эди. «Кварц» тақдир этаётган бундай ойналар халқаро талабларнинг барчасига аъло даражада жавоб беради. Дарҳақиқат, корхона ёрлиги билан чиқаятган барча маҳсулотлар аввало юксак



Иزلаниш

рининг яхши кайфияти, ишхонасига бўлган меҳрини яққол ҳис этасиз. Улкан цехлардагина эмас, кишда ҳам ёз ифориини таратиб туривчи иссиқхонада, чорвачиликка исхиссослашган ёрдамчи хўжалиқда ҳам ишлар кироий йўлга қўйилган. «Кварц» акциядорлик жамияти аъзолари эришяётган ютуқлар бари бари — кали меҳнат ва катта ўқув натижасидир. Уктам ҚУРБОНОВ, «Миллий тикланиш» мухбири.

Яширин агентнинг ҳаёти

—Улкада яшовчи барча қабила ва халқлар, шаҳар ва зямство кенгашлари, сиёсий, жамоат, касба ташкилотлари ва уюшмалар, барча жамоа ва хусусий муассасаларни Туркистон халқ ҳокимияти агро-фита жинслаганига ва унга қўйилган оғир вазифаларни ҳаётга татбиқ қилмоқ учун ёрдам беришга чакирди...



Ҳамдам СОДИҚОВ

—Бой бойга боқар, сув сойга оқар,—деди Усарқул беҳтиёр. —Шералининг сўзлари бу. —Ҳа, устоз тушундимки, Тошкентда камбаргаллар, Қўқонда эса бойлар ҳокимияти...

рак. Савдо керак, мол, пул керак! Убайдулла нигоҳини Усарқулга қаратди. —Мана, шундай Усарқулга ўхшаш милятимишга содиқ наварлар керак...

—Саводоҳон, оқ—қорани танийдиган, имони бут,—қўшимча қилиб унинг галлини тасдиқлади Сафарбек. —Усарқулни ихтиёрига олиб келганининг ҳам боиси шу, афандим.

Қўқон фожиаси Собик подшо офицерлари—сўл эсэр поручик Перфильев ва бошқевич праторчилик Осипов бошчилигидаги қизил аскарлар Қўқонни тўтга тургани, минглаб уйлар, мас-жидлар, мадрасалар, дўконлар ёниб, кул қўққа совирилгани бутун Фарғонани оёққа турғазди.

Усарқул Эргаш ҳақида эшитган, билганлари шундан иборат эдики, ҳурриятдан сўнг оқ подшо турмасидан озод бўлган бу йигит жасур, чўрт-кесар, ўлғудек шухратпараст, севгани ов—шукор. Усмийригидек мушталашиб бобидан танилган.

Усарқул Эргаш ҳақида эшитган, билганлари шундан иборат эдики, ҳурриятдан сўнг оқ подшо турмасидан озод бўлган бу йигит жасур, чўрт-кесар, ўлғудек шухратпараст, севгани ов—шукор. Усмийригидек мушталашиб бобидан танилган. Эргаш миршаблар томонидан қўлга олиниб, Си-бирга сургун қилинган. «Шу-рои ислом» ташкилотига аъзо бўлган, унга ишонч бидариб Қўқон шаҳар милициясини тоширади.

Эркак — оила султони

«Миллий тикла-ниш» газетасининг 2005 йил, 10 июнда газетхонлар қўлига етиб борган 11-сонда берилган «Эркаклар мил-латнинг ғурури, ори...ми?» номи мақолани ўқигач, кўнглимда туни-ган фикрларни қоғозга туширишга аҳд қилдим.

Асолатхон, мақола-нигизнинг бош қисмида эркакларни «сиҳ ҳам, кабоб ҳам куймасин» қабилида роса мактаб-сизу, сўнигда сўз билан дўшослабсиз. Уша, сиз тилга олган ҳамма қусурлар ҳаётимизда озми—кўпми учраб тургани бор гап. Лекин, негадир, сочларини резина билан йиғишти-риб олган, қулогина, яхши яшаши учун ҳам, аввало, ота мастуъл. Бугунги кунда «Аҳоли-нинг иш билан таъмин-ланиши тўғрисида»ги Қонуннинг жойлардаги ижроси қай даражада эканлиги билан қизиқиб кўрганмисиз? Нима учун бугун кўпчилик эркак-ларимиз шаҳарма-шаҳар иш қидириб юришибди?!

Жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар бунга қилгин» дейилган ахир. Пешона терини тўкиб, ҳалол нон топиш, бошқ-аларнинг ҳожатини чиқариш ҳам савоб. Ўзбек халқи азадан болаҳон халқ. Респуб-ликамизда аҳоли сони-нинг йил сайин ортиб бораётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Фар-зандларнинг тарбияси, яхши яшаши учун ҳам, аввало, ота мастуъл. Бугунги кунда «Аҳоли-нинг иш билан таъмин-ланиши тўғрисида»ги Қонуннинг жойлардаги ижроси қай даражада эканлиги билан қизиқиб кўрганмисиз? Нима учун бугун кўпчилик эркак-ларимиз шаҳарма-шаҳар иш қидириб юришибди?!

Акс садо

кулиб, пичир—пичир қилибди. Йигитлар қизариб кетишди. Шунда 60 ёшлардаги бир рус аёли «что здесь смеш-ного, они правильно поступили, почему вы смеетесь?!» деди порози кайфиятда. Оғир, бошиқ йигитла-римиз эса, ҳеч нарса дейишмади.

Такси ҳайдовчиси тўғрисидаги мисо-лингиз эса, жуда ўринли, бундай так-сичиларимиз минглаб топилади. Ўз гуру-рига қора дў туши-раётган эркаклар ҳамма соҳада ҳам бор. Аслида, оила муноса-батига эркаклар таъриф берадиган бўлсак, у меҳрибон ота, жонқуяр оила йўлбошчиси. Бу ҳислатлари билан у жамиятнинг ривожла-нишида, турмуш тарзи-нинг ўзгаришида бево-сита катта куч бўла олади. Бир сўз билан айт-ганда, сиз кўтарётган муаммолар бутун мил-латнинг дарди. Зеро, томчида кўш акс эта-нидек, кўзимизга кўри-наётган бу қусурларда ҳам жуда улкан даралар ифодаси мужассам. Биз тилга олган қусурларни эса, ҳаётимиздан йўқо-тиш зарур. Бунинг учун ҳар биримиз ҳар кун қўлдан келганча кура-шайлик, азизлар! Насриддин БОТИРОВ.

«Миллий тиклашни» почтасидан

МАСТНИГ ИШИ ПАСТ

Ичкиликнинг зарари ҳақида кўп ёзилган. Қўллаб одамларнинг ичкилик оқи-батига соғлиги, касби, об-рўси уни йўқотаётганига, оилаларнинг бузилиб кета-ётганига, ён атрофимизда содир бўлаётган фожиаларга гувоҳимиз. Бир қарашда ичкиликка мукка-сидан кетган одамга қилинган қар қандай насихат фойдасиз, кўп холларда зарарига иш-лайдигандай туюлади. Шундай бўлса-да, нега-дир гапирмасам, бонг урмасам бўлмайди. Куйидагиларни ёзи-шаманга эса, ўзим гувоҳи бўлган мана бу воқеа сабаб бўлди.



Тўй эгаси универси-тетда бизни ўқитган довлмасиз бўлиб, умуман ичмас, бошқалар-га ҳам бу захри қотил-ни раво кўрмас эди. Тўйда дастурхон жуда тўқин бўлди, лекин спиртли ичимлик қўйилмади. Таникли санъаткорларимиздан бири ажойиб мумтоз кўшиқни хоних қиларди. Меҳмонлар бирин-кетин кетиб қола бошлади. Аввал бунинг сабаби нимадан эканини билолмадим. Да-стурхондаги ноз-неъмат-лар ҳам дярли истеъмол қилинмади. Кейин билсам, ҳамма бало ароқда экан. Наҳотки, биз шу даражага етиб келган бўлсак? Наҳотки, ҳамма тўйга фақат ичиш учун борса?! Кўзига «шайтоннинг суви»дан бошқа нарса кўринмас!

Уш, инсоннинг ичкилик муккасидан кетишига қандай омиллар таъсир қилади? Ҳеч кузатиб кўрганмисиз, акиси, отаси, яқинларининг ичганига гувоҳ бўлган, воға етиб келаётган ўсмирларнинг қалбида анча эртароқ ичишга мойиллик уйғона-ди. Балогатга етиб қолган ўсмир кўпчилигининг ақли-ни ўғирлаган «қиммат-бахо» ичимликнинг маза-сини лоқал бир марта та-тиб кўргиси келади. Ич-киликбозликка дастлабки қадам мана шу ёшда қўй-лади. Ўсмир тез катта бўлишни, дўстларининг эътиборини қозониши

бундай пайтда алкоғолнинг қондаги миқдори 0,005 фоиз бўлади. Бадан бўша-шиб, турмуш ташвишлари хаёдан узоклашади, дунё кўзга гўзал бўлиб кўрина-ди. Иккинчи даражаси, 200 грамм ароқ ичилгандаги ҳолат, бундай вақтда алко-ғолнинг қондаги миқдори 0,10 фоиз бўлар экан. Одам бесабаб хушчак бўлиб кетди. Беҳаё лати-фалар айтиб, қўпол ҳазил-лар қилади. Сал гапга жақли чиқиб, уруш-жанжал кўтаради. Учинчи даражаси эса, 300 грамм ва ундан ортқ ароқ ичилган вақтдаги ҳолат, бундай пайтда ал-коғолнинг қондаги миқдо-ри 0,15 фоизни ташкил қилар экан. Натигада, ки-шининг онг ости дунёси озодликка чиқади. Ҳара-кат маркази фалажланиб, маст одам оёқ-қўл мушак-ларини ўзига буйсунди-ролмай қолади. Ҳеч ким-нинг гапига қулоқ солмай ўзига гапираверади. Мастликнинг тўртинчи даражасида, яъни 500 грамм ароқ ичилганда қон-да алкоғолнинг миқдори 40 фоизни ташкил қилиб,

2005 йил — Соҳат-саломатлик йили

Халқимизнинг яхши одати бор. Одамлар бир—бири билан учрашганда «Сало-матмисиз?» деб сўрашиша-ди. «Хайр, саломат бўлинг!» деб хайрлашадилар. Ҳақи-қатан ҳам, ҳаётнинг гўзал-лиги, лаззати ва қадр—қим-мати тансиҳатида. Одам соғ—саломат бўлса, бахтли, кўнгли шод, ҳамма нарсадан мамнув, иши унумли бўлади. Жисмоний ва руҳий поклик соғалнинг гаровидир.

СОҒЛОМ БЎЛИШ — БАХТ

билдираётган талаб ва ис-тақлари, уларнинг дардлари мени янада кўпроқ, бор ку-чим ва билимимни сарфлаб ишлашга ундади. Бошқа ҳамкасбларимнинг ҳам йил бошидан ана шундай изла-нувчанлик кайфиятида иш бошлаганига ишонман. Зеро, жорий йилнинг «Соҳат—саломатлик йили» деб эълон қилиниши юрти-мизда халқ соғлиғига бўлган эътиборнинг юксак дара-жада эканлигиндан далолат беради. «Соҳат—саломатлик йили» Давлат дастурида оналик ва болаликни муҳо-фаза қилиш ишларининг алоҳида эътиборга олинган-лиги, тиббий ходимларнинг оилайлари оширилиши каби

Яна бир нарса, бир ўйлаб кўринг, касалликларнинг келиб чиқишига асосан ни-малар сабаб бўлиши мум-кин? Қўлнча ўзимиз эъти-бор бермайдиган оддий камчиликларимиз, кайфия-тимиз, шахсий гигиенага риоя қилмаслигимиз ҳам касал-ликлар бизни енгиб кети-шига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, доим соғ-саломат бўлишимиз учун меҳнат шароитларини ен-гилаштириш, овқатланиш ва дам олаш режимишни тўғри ташкил этиш, атроф—му-ҳитни шовқин—сурондан ҳоли қилиш, рашк, ивво ва фитналарга барҳам бериш, майхўрлик, кашандалик, ги-т-ёҳванлик каби иллатларга тиш—тирноғимиз билан қарши бўлишимиз зарур.

Бу борада биз—саломат-лигиниз қосбонлари ҳам доимо ўйлаб яшашини унутманг, азиз замонадош! Биз аҳолига маалака тиб-бий хизмат кўрсатиш юза-сидан кенг қўлдами ишларни амада оширишга ўзимизни ўта мастуъл деб ҳисоблай-миз. Чунки, одамларни соғ-лом кўриш биз учун—бахт.

Озода АЛИМОВА.

